



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

2018 йил “15” САП

№ 162

Тошкент ш.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан
ишлашни ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ўРҚ-445-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда - қўмита) марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

“Қўмита марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда - низом) 1-иловага;

қўмитада жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш гуруҳи (кейинги ўринларда - гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Гуруҳ (И.Аллаберганов):

қўмита марказий аппарати ва қўмита тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашга риоя қилинишини ҳамда Низом талаблари бажарилишини қатъий назоратга олсин;

қўмита марказий аппарати ва тизимда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ҳар чорак якунлари бўйича йиғилишларда муҳокама қилсин;

муурожаатлар билан ишлашда мунтазам равишда камчиликларга йўл қўйяётган масъулларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда қўмита тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари:

икки кунлик муддатда ушбу буйруқ асосида муассасанинг буйруғи ва низомини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу низомга мувофиқлаштирсинлар.

4. Қўмита марказий аппарати инспекция, бош бошқарма, бошқарма ва бўлим, шўъба раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда қўмита тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилсинлар.

5. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан қўмита раисининг 2017 йил 24 июлдаги 101-сонли ва 2017 йил 29 августдаги 177-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими (А.Шеров) мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан қўмитанинг расмий веб-сайтидаги тегишли маълумотларни янгиласин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати раис биринчи ўринбосари А.Адҳамжанов ҳамда раис ўринбосари У.Утаев зиммаларига юклатилсин.

Раис



Б.Кучкаров

Ўзбекистон Республикаси Экология
ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси раисининг
2018 йил 15 майдаги
162 - сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг
муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом (кейинги ўринларда - Низом) “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (кейинги ўринларда - Намунавий низом) қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда - қўмита) марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари (кейинги ўринларда - муурожаатлар) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган муурожаатларга;

қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимос баён этилган муурожаат;

таклиф - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муурожаат;

шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган муурожаат;

аноним муурожаат - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган муурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон муурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма муурожаат;

муурожаатнинг дубликати - айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг бир хил мазмундаги муурожаатининг нусхаси;

такрорий муурожаат - аввалги муурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий муурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган

муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

электрон мурожаат - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

оммавий қабул - давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалоқа - узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

давлат иштирокидаги ташкилот - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

4. Мурожаатлар оғзаки ёки ёзма, ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят шаклида берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга.

Кўмита “ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Кўмита расмий веб-сайти орқали ёки расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (кейинги ўринларда - Ҳукумат портали) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисидаги низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари ва кафолатлари

5. Қонунга кўра жисмоний ва юридик шахсларга кўмита ҳамда унинг мансабдор шахсларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Қонунга мувофиқ, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига,

ташкilotларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулки шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

7. Қўмита ва унинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

8. Мурожаатлар қўмита ва унинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат, қўмитанинг сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва агар бу жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуннинг манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг қўмита ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

10. Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкilotларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъкиб этиш ман этилади.

3-боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

11. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган қўмита ёки унинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

12. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлик номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозим ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этивчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

13. Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

14. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда, конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

15. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

16. Мурожаатларни бериш муддатлари, коидага тариқасида, белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар бу қўмита ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи қўмита томонидан тикланади.

17. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунга қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза

тушган тақдирда муурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида муурожаат кўмитанинг хати билан муурожаат килувчига қайтарилади.

Муурожаатни қайтариб олиш тўғрисидаги ариза кўмита томонидан конун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмайди.

4-боб. Муурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш

18. Кўмитада жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

19. Тушган муурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек муурожаатларнинг ҳисоботини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадида кўмитада белгиланган умумий штатдаги ходимлар ёни доирасида муурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлинма (кейинги ўринларда - муурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси) ташкил этилиши мумкин.

Муурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси кўмитага келиб тушган муурожаатлар ҳажмидан, ходимлар сони ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим, бўлинма ёки гуруҳ шаклида ташкил этилиши мумкин.

Муурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси муурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита кўмита раисига бўйсунди.

20. Муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма:

таркибий бўлинмалар томонидан муурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлинмалар томонидан бузулиши тўғрисида кўмита бошқарма (инспекция, бўлим, шўба) раҳбарини дарҳол хабардор қилади;

мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда кўмита раҳбариятига муурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муурожаатлар тўғрисидаги конун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган раҳбар ва ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

21. Муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинманинг ходимларига қуйидаги кўшимча талаблар қўйилади:

ўрта-маҳсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;

камида уч йиллик иш стажи бўлиши;

уларнинг ходими бўлган кўмита бўлинмаларининг фаолияти, функцияларига оид мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлиш;

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;

киришимлилиқ;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни билиш.

Бўлинма ходимлари муурожаатлар билан ишлаш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда илтифотли, қатъиятли, эътиборли бўлиши керак, муурожаат килувчиларга нисбатан хушмуомалали, вазмин ва эътиборли, шахснинг шаънини камситмаслиги, унга нисбатан меҳрибон бўлиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ташқи кўриниши бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига, ташкилотларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш тартибига риоя этиши вазмин ва интизомли бўлиши керак.

22. Қўмит мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини оширади.

23. Қўмита ушбу Низомнинг талабларига кўра, мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Қўмитада мурожаатлар билан ишлаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Ҳукумат портали орқали тушган мурожаатлар электрон шаклда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлардаги (туманга бўй сунувчи шаҳарлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ва ёки электрон шаклда олиб борилади.

24. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида қўмита раҳбарияти ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

25. Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатда кўрсатилган масалани кўриб чиқиш (ҳал қилиш) бир неча давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатига кирса, мурожаатни кўриб чиқувчи қўмита бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

26. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича назорат карточкаларини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада рўйхатга олинади.

Мурожаатлар ёзма ёки электрон тарзда рўйхатга олиниши мумкин.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, (исми ва отасининг исми), унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг жойлашган жойи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган қўмита таркибий бўлинмаси номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампида қўмитанинг расмий номи (агар қўмитанинг расмий номи узун бўлса, умум қабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаат келиб тушган сана ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан юритилади.

27. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қўмитага оғзаки мурожаат этганда улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа

материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай қўмита раҳбариятига ёки таркибий бўлинма раҳбарига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ҳодимни) белгиланган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топширикномани) қўяди.

Резолюция (топширикнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) беради.

28. Қўмитага келиб тушган мурожаатлар иш юритувига қабул қилиниши, бўйсунуш тартибида қўмита, бошқарма ва республика ташкилотининг қўйи бўлинмасига (кейинги ўринларда-қўйи бўлинма) юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига, муассаса ва ташкилотларга юборилиши мумкин.

29. Қўйи бўлинма томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан раҳбари (ёхуд ўринбосари) томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

30. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мурожаатнинг кўриб чиқилишига раҳбар кўрсатмасида кўрсатилган барча масъуллар бир хил жавобгар ҳисобланади.

31. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда бошқа давлат органларидан, муассаса ва ташкилотлардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

32. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда қўмита мурожаат қилувчини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

33. Агар мурожаатда ўртага қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун қўмита томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун қўмита томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

34. Қўйилган масалаларни ҳал этиш қўмитанинг ваколати доирасига кирмайдиган муурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай раис ёки раис ўринбосарлари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга, муассаса ва ташкилотларга юборилади ва бу ҳақда муурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Муурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, муассаса ва ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар муурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан муурожаат қилувчиларга қайтарилади.

35. Қўмита муурожаатни кўриб чиқаётганда ўз ташаббусига кўра, ёхуд муурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Қўмитанинг мансабдор шахслари муурожаат этувчига муурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва муурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Зарур ҳолларда муурожаат этувчи эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллариини жалб этиши мумкин.

36. Агар муурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда муурожаатни кўриб чиқишда қўмита муурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Муурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш қўмита раисининг топшириғи ёки унинг розилиғи билан амалга оширилади.

37. Муурожаатни муурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар қўмитанинг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган муурожаат қилувчи келмаган тақдирда, қўмита муурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиғи тўғрисида жавоб юборади.

38. Муурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар қўмита келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади. Яъни, муурожаатни кўриб чиқиш учун белгиланган муддат бир кунга қисқаради.

Электрон муурожаатлар тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунида қоғозга босиб чиқарилиши керак.

Муурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Қўмита раҳбариятига ёки ваколат берилган мансабдор шахсга оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда, жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, муурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

39. Ариза ёки шикоят масаланинг мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган ташкилотга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда,

уларни кўриб чиқиш муддатлари кўмита раҳбарияти томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига ёзма хабар қилинади.

40. Таклифлар кўмитага келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, кўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ҳамда бу ҳақда таклифни қиритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

41. Айрим ҳолларда кўмита раҳбарияти муурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари мумкин.

42. Муурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра кўмита томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда муурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Муурожаатни қониктирмасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни кўмита раиси қабул қилади.

Муурожаатга жавоб хатида муурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича вазларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

43. Муурожаатга жавоб хати кўмита раиси ёки ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Муурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, муурожаат этилган тилда ёки давлат тилида баён қилинади.

44. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб муурожаат қилган тақдирда, уларнинг муурожаатлари Қонун талаблари ва мазкур Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда муурожаатга жавоб муурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки унинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

45. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига даҳл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Муурожаат қилувчининг муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

46. Муурожаат, агар унда қўйилган барча масалалар ушбу Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва муурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Муурожаат қилувчига жавоб юборилган кун муурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма муурожаатларни қайд қилиш журналига ва назорат карточкасига белги қўяди.

47. Юқори давлат органининг назоратида турган муурожаатлар бўйича муурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда муурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори давлат органига ёзма шаклда хабар беради.

48. Кўриб чиқилган муурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Муурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш

49. Қуйидаги муурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним муурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.

50. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки муурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Муурожаат аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада муурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса муурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ёки кўмита раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Кўмитанинг ишонч телефони, “тезкор алоқа”га тушган муурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган муурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади ва кўриб чиқилмайди.

51. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар келиб тушганда, муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки таркибий бўлинма уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар муурожаатда жисмоний шахс ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинманинг раҳбари ёки кўмита раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний шахс ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу муурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда муурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

52. Муурожаат кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у кўмита раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли муурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида муурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

53. Муурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақирини имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, кўмита томонидан чақирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар муурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

54. Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни қўмита раиси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 53-банд иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат қилувчига қўмитанинг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

7-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш

55. Қўмитада ва унинг таркибий бўлинмаларида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Қўмита раҳбарияти ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

56. Қўмитада жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилиш, шунингдек маъмурий бинода ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

57. Қўмитада зарурият бўлганда, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Шахсий қабул давомида қўмита раҳбариятининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

58. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қўмита раҳбарияти, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинманинг раҳбари, шунингдек, қўмита таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича назорат карточкаси тўлдирилади. Назорат карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

59. Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видео-конференц-алоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

60. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма қабулига келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

61. Қўмитада жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

62. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилувчи қўмита раҳбарияти ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича қўмитанинг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

63. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш қўмита ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

64. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларда (квартиралар), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

65. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари сайёр шахсий қабуллар вақтида берган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 58-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

66. Оммавий қабуллар вақтида қўмита раҳбарияти ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсга келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб қилинмайди.

8-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари видео-конференц-алоқа воситаларида қабул қилишни ташкил этиш

67. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакили қўмита ёхуд унинг мансабдор шахсларига видеоконференцалоқа воситасида мурожаат бериши, олдиндан тасдиқланган махсус ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда видео-конференц-алоқа жадвал орқали амалга оширилади.

68. Бунинг учун мурожаат этувчи видео-конференц-алоқа ўрнатилган тегишли жойга белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат қилади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Талабномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахс учун – мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

электрон почта манзили;

алоқа телефони ва/ёки факснинг рақами;

видео-конференц-алоқа ўтказишга қулай сана ва вақт;
 мурожаат тили;
 мурожаатнинг қискача мазмуни.

Мурожаат этувчининг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

69. Видеоконференцалоқа орқали келиб тушган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан рўйхатга олиниши ва қўмита раҳбариятига киритилиши керак.

70. Қўмита раҳбарияти талабномани кўриб чиқиб, видео-конференц-алоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор, видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида қўмита жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради.

71. Видеоконференц-алоқа орқали мурожаатларни қабул қилиш жадвали ўзгарган тақдирда, мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси жисмоний ва юридик шахсларни олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва/ёки факс рақамлари, почта ва бошқалар) орқали огоҳлантирилиши керак.

72. Видеоконференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

9-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари

73. Мурожаатлар қўмита ва унинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

муурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд муурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз муурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган пайтда муурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

муурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

74. Жисмоний ва юридик шахслар қўмита ва унинг мансабдор шахслари томонидан муурожаатларни кўриб чиқишда ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бошқа жисмоний ва

юримдик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

10-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишда қўмита ва унинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари

75. Мурожаатларни кўриб чиқишда қўмита ва унинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муружаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

муружаат қилувчи ёки бошқа шахс йўқлигида муружаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд муружаатни эшитиш учун уни чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган муружаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга муружаат қилиш;

қўмита ва унинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

76. Қўмита ва унинг мансабдор шахслари:

муружаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

муружаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юримдик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

муружаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муружаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки муружаатлар бундан мустасно;

муружаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юримдик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

муружаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юримдик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юримдик шахс, унинг вакили ва юримдик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг муружаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юримдик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Қўмита ва унинг мансабдор шахсларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

11-боб. Мурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш

77. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма таркибий бўлинмалар (қуйи бўлинмалар) томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

78. Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

79. Қўмита ва унинг мансабдор шахслари келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантирилмаган, кўриб чиқилмаган мурожаатларнинг, шунингдек, бошқа маълумотларнинг статистик ҳисоботини юритади.

Қўмита жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалар ёки тегишли таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузулишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чоралар акс эттирилган маълумотномалар (шарҳлар) тузилади ҳамда қўмитада мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мурожаатларни умумийлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

80. Қўмита ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

81. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, қўмита расмий веб-сайтида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳар ой эълон қилиниши мумкин.

82. Мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси тушган мурожаатларни таҳлил қилиш яқунлари бўйича қўмитанинг расмий веб-сайтида тегишли статистика маълумотларини ҳар ойда эълон қилиб боради.

12-боб. Яқунловчи қоидалар

83. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш,

жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

84. Қонун, Намунавий низом ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкланади.

85. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикоятни ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган ва у қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиш учун қўмитанинг шунингдек улар мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади.

Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида қўмита томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

86. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, ҳудди шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд қилиш варақаси

Тартиб рақами: 1 п		Савол:
Мурожаат қилувчи: Кулатов Жонибек Жавлон ўғли		
Манзили: Қашқадарё вилояти, Учтепа тумани, "Ёшлик" кўчаси, 85-уй		
Мурожаат келиб тушган сана: 20.07.2018 йил		Мурожаат қилувчилар сони: 1 та
Мурожаатнинг шакли: Ёзма		Варақлар сони:
Қабул шакли:	Дубликат/такрорий	
Мурожаатнинг тури: Ариза	Олдинги мурожаатнинг санаси ва рақами:	
Назорат тури:		
Мурожаатнинг қисқача мазмуни: Дарахт кесилиши тўғрисида.		
Резолюцияни (топшириқни) имзолаган раҳбар:		Б.Кучкаров
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи): Ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилсин ва фуқарога асосланган жавоб берилсин.		Бажариш муддати: 25.07.2018 йил
Таркибий бўлинма:		Ижрочи:

ИЖРОНИНГ НАТИЖАСИ		
Юборилган сана	Қаерга юборилган	Жавоб хатининг рақами ва санаси
20.07.2018 йил	Ижро интизоми назорати бўлими	25.07.2018 йилдаги 01-01/01-1111-сонли
Муддати узайтирилган:		Ким томонидан: (имзо)
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан) Сана:		Бажарувчининг имзоси: Бажарилган сана:
Мурожаатни кўриш чиқиб муддати бузилганлаги ҳақидаги белги:		

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси марказий
аппаратида жисмоний ва юридик
шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш
тартиби тўғрисида Низомга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раҳбарияти ва таркибий бўлинма бошлиқларининг жисмоний шахслар ва
юридик шахс вакилларини қабул қилиш
ЖАДВАЛИ

№	Ф.И.О.	Лавозими	Қабул куни ва соати	Қабулга масъул ва телефони
1	Кучкаров Баҳром Тўлқинович	Раис	Душанба, жума соат 08.00 дан 11.00 гача	Ҳ.Турғунов 207-07-70 (5012#)
2	Адхамжанов Айбек Адилжанович	Раис биринчи ўринбосари	Сешанба, пайшанба соат 08.00 дан 11.00 гача	Ҳ.Турғунов 207-07-70 (5012#)
3	Утаев Уктам Чориевич	Раис ўринбосари	Чоршанба, шанба соат 08.00 дан 11.00 гача	Ҳ.Турғунов 207-07-70 (5012#)

Қўмита марказий аппарати инспекция, бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва шўба бошлиқлари (ёки ходимлар) ҳар куни 09.00 дан 18.00 га қадар жисмоний шахслар ва юридик шахс вакилларини қабул қилади.

Изоҳ: жисмоний ва юридик шахслар қабули учун масъул шахс бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахс киритилади.